

## **Имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга буюртмаларнинг шакллантирилиши ҳолати**

Халқ таълими вазирлиги тизимида бугунги кун ҳолатига жами **86 та** имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда жами **17 905 нафар** ўқувчилар таълим оладилар. (слайд 2)

Мазкур имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган махсус таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар Халқ таълими вазирлиги томонидан 2014 йилда тасдиқланган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш даврийлиги асосида чоп этилади. Хусусан, ушбу даврийлик яратилиш даврида ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларидан келиб чиқиб шунингдек, ушбу дарсликлар таълим муассасаларида сақланишини инобатга олинган.

Шунга кўра; **Кар ва заиф эшитувчи болалар учун:**

1-2 синфлар учун ҳар 2 йилда;  
3-5 синфлар учун ҳар 3 йилда;  
6-10 синфларда умумтаълим мактаб дарсликларидан фойдаланишлари ҳисобига ҳар 4 йилда.

**Ақли заиф ўқувчиларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун:**

1-2 синфлар учун ҳар 2 йилда;  
3-5 синфлар учун ҳар 3 йилда;  
6-9 синфлар учун ҳар 4 йилда.

**Кўзи ожиз ўқувчилар учун брайл усулидаги дарсликлар:**

1-4 синфлар учун ҳар 3 йилда;  
5-9 синфлар учун ҳар 4 йилда чоп этиш белгиланган. (слайд 3-4)

Мазкур даврийликка асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тақсимооти асосида **2016-2017 ўқув йили** учун Республикада фаолият кўрсатаётган имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жами **133 номдаги 86 605 нусха** дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилган.

Дарсликларнинг **90** номдаги **55 149** нусхаси ёрдамчи мактабларга, **27** номдаги **13 030** нусхаси кар ва заиф эшитувчи болаларга ихтисослаштирилган мактабларга ҳамда **16** номдаги **18 426** нусхаси кўзи ожиз болалар мактаб ва мактаб-интернатларига чоп этилган дарсликларни ташкил қилади. (слайд 5)

Ушбу дарсликлар ва ўқув қўлланмалар учун буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2014 йил 28 апрелда 2577-сон рақам билан рўйхатдан ўтган “Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан 2015 йилда махсус таълим муассасалари қолаверса, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

Буюртмалар шакллантириш жараёнида айрим таълим муассасалари ёки бошқарма ходимлари томонидан ўқувчилар сони етарлича таҳлил қилинмаганлиги сабабли бугунги кунда қатор таълим муассасаларида дарсликлар ортикча фойдаланилмасдан кутубхонада сақланаётган бўлса, айримларида бунинг аксини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, мазкур ҳолатни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўрадиган бўлсак, Республика тасарруфидаги 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 2-синфларига жорий ўқув йилида 30 тўпلام дарсликлар ва ўқув қўлланмалар буюртма асосида етказилган. Лекин ушбу синфда ўқувчилар сони 19 нафарни ташкил этади. Мазкур синф дарсликлари Халқ таълими вазирлиги томонидан 2014 йилда тасдиқланган дарсликларни чоп этиш даврийлиги асосида 2 йил фойдаланилишини ҳисобга олсак, жорий ўқув йилида **3 202 136 сўмлик 11 тўпلام** кейинги ўқув йилида **3 493 239 сўмлик 12 тўпلام** дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мақсадсиз фойдаланилмасдан кутубхона захирасида сақланиб, утилизацияга топшириб юборилади. 4-, 5-синфларда эса бунинг аксини кўришимиз мумкин, яъни ушбу синфлар учун буюртма асосида **20 тўпلامдан** дарсликлар етказилган, лекин бугунги кундаги 3-синфда **26 нафар** ўқувчилар таълим олаётганлигини инобатга олсак, ушбу ўқувчиларга кейинги 2 йил мобайнида **6 тўпلامдан** дарсликлар етишмайди. (слайд 6-7)

Навоий вилояти томонидан тақдим этилган буюртма асосида Қизилтепа тумани 36-сонли ёрдамчи мактаб-интернатининг 9-синфлари учун **20 тўпلام** дарсликлар ва ўқув қўлланмалар етказилган. 2017-2018 ўқув йилида мазкур синфда **22 нафар** ўқувчилар таълим олишади. Шунга кўра,

жорий ўқув йилида **2 нафар** ўқувчиларга дарсликлар етишмайди. 2018-2019 ўқув йилида **39 нафар** ўқувчиларнинг **19 нафарига**, кейинги ўқув йилида **27 нафар** ўқувчиларнинг **7 нафарига** ҳамда ушбу дарсликлардан охириги фойдаланиш йилида **33 нафар** ўқувчиларнинг **13 нафарига** дарсликлар етишмаслигини кузатишимиз мумкин. (слайд 8)

Вилоятдаги Кармана туманидаги 25-сонли кар болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида эса бунинг аксини кўрамиз. Жумладан, 4-синфлар учун **40 тўплам** дарсликларга буюртма берилган. Лекин ушбу синфда ўқувчилар сони **13 нафарни** ташкил қилади. Бу эса жорий ўқув йилида **7 859 789 сўмлик 27 тўплам**, 2017-2018 ўқув йилида **4 млн. 657 минг сўмлик 16 тўплам** ҳамда охириги фойдаланиш йилида **7 млн. 300 минг сўмлик 25 тўплам** дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мақсадсиз фойдаланилмасдан кутубхона жамғармасида сақланишидан далолат беради. Худди шу каби 2-синфларнинг **15 нафар** ўқувчилари учун **40 тўплам**, яъни ўқувчилар сонига нисбатан **7 млн. 200 минг сўмлик 25 тўплам** ортиқча, **19 нафар** 1-синфлар учун **30 тўплам**, яъни **4 млн. 800 минг сўмлик 11 тўплам** дарсликлар нотўғри шакллантирилган буюртма асосида ортиқча олинган. (слайд 9-10)

Ушбу ҳолатни вилоятдаги кўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ҳам кузатишимиз мумкин. Интернатнинг **10 нафар** 9-синф ўқувчилари учун 4 номдаги **25 тўплам** дарсликлар олинган. Кейинги ўқув йилларда ҳам ўқувчилар сони деярли ўзгармаган. Бу эса охириги уч йилда **18 тўплагача** дарсликлар фойдаланилмаслигини кўрсатмоқда. (Слайд 11)

Интернатнинг бошқа синфларида ушбу ҳолатнинг аксини кузатишимиз мумкин. Хусусан, **22 нафар** 1-синфлар учун **5 тўплам** (17 тўплам кам), **10 нафар** 5-синфлар учун **6 тўплам** (4 тўплам кам), **17 нафар** 6-синфлар учун **7 тўплам** (10 тўплам кам), **9 нафар** 7-синфлар учун **6 тўплам** (3 тўплам кам) ҳамда **13 нафар** 8-синфлар учун **6 тўплам** (7 тўплам кам) дарсликлар буюртма асосида олинган. (слайд 12-13)

Фарғона вилоятида 5 та ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий ўқув йили учун мазкур таълим муассасаларининг **2 таси** (22-, 88-сонли) 6-синфлар учун чоп этилган **45 тўплам** дарсликларни олишган. Қолган **3 та** махсус таълим муассасалари, яъни таълим ўзбек тилида олиб бориладиган Қўқон шаҳар 5-сонли ёрдамчи мактаб-интернати ҳамда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган Қўқон шаҳар 4-сонли, Фарғона шаҳар 86-сонли ёрдамчи мактаб-

интернатлари 6-синф дарсликларига буюртма беришмаганлиги сабабли дарсликлар билан таъминланмаган. Ваҳоланки, жорий ўқув йили учун таълим ўзбек тилида **2 номда**, таълим рус тилида **7 номда** дарсликлар чоп этилган. Оқибатда, мазкур таълим муассасаларида жорий ўқув йилида таълим олаётган **45 нафар** 6-синф ўқувчиларига дарсликлар етишмаган бўлса, 2017-2018 ўқув йилида **77 нафар**, 2018-2019 ўқув йилида **85 нафар** ҳамда ушбу дарсликларнинг охириги фойдаланиш даврида **99 нафар** ўқувчиларга дарсликлар етишмаслиги эҳтимоли бор. (слайд 14)

Шунингдек, вилоятда қар болаларга ихтисослаштирилган **2 та** махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу таълим муассасалари томонидан дарсликларга буюртма шакллантириш жараёнида ўқувчилар сони таҳлил қилинмаган. Натижада кейинги йилларда айрим синф ўқувчиларига дарсликлар етишмаслик ҳолатлари вужудга келиши кузатишмоқда. Хусусан, жорий ўқув йилида мазкур таълим муассасаларининг жами **25 нафар** 5-синф ўқувчилари учун **29 тўпلام**, яъни *4 тўпلام ортиқча* дарсликлар буюртма асосида олинган. Лекин кейинги ўқув йилида ушбу синфда **54 нафар** ўқувчилар таълим олишини инобатга олсак, **25 нафар** ўқувчиларга дарсликларнинг етишмаслигини кузатишимиз мумкин. Шу каби **33 нафар** 3-синф ўқувчиларига **37 тўпلام**, яъни *3 тўпلام ортиқча* дарсликлар олинган, лекин кейинги ўқув йилида ушбу синфда **70 нафар** ўқувчилар таълим олиши кутилмоқда, яъни *33 нафар ўқувчиларга дарсликлар етишмаслиги мумкин*. (слайд 15-16)

Ушбу ҳолатнинг аксини 1-синфларда кўришимиз мумкин, яъни Марғилон шаҳар Кўзи ожиз ва қар ўқувчилар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати буюртмани нотўғри шакллантириши оқибатида **46 нафар** 1-синф ўқувчилари учун **80 тўпلام** дарсликлар олишган. Бугунги кунда **2 млн. 800 минг сўмлик 36 тўпلام** дарсликлар фойдаланилмасдан кутубхона жамғармасида сақланмоқда. (слайд 17)

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 68-сонли ёрдамчи мактаб-интернатида таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ушбу таълим муассасасида 2014 йилдан таълим рус тилидаги гуруҳларга ўқувчиларнинг қабули тугатилган бўлиб, бугунги кунда таълим рус тилида 1-4 синфлар мавжуд эмас. Лекин жорий ўқув йилида мазкур интернат томонидан берилган буюртма асосида таълим рус тилидаги 1-4 синфлар учун 10 тўпладан жами 17 139 884 сўмлик 40 тўпلام дарсликлар фойдаланилмасдан кутубхонада сақланмоқда. Интернатнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Хадича Жабборова ўзининг тушунтириш

хатида эътиборсизлиги туфайли нотўғри буюртма шакллантирганлигини маълум қилган. (слайд 18)

Вилоятдаги 122-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати томонидан дарслик буюртмаси нотўғри шакллантирилганлиги сабабли 36 нафар 1-синф ўқувчилари учун 80 тўпلام дарсликлар олинган. Натижада бугунги кунда **3 млн. 424 минг сўмлик 44 тўпلام дарсликлар фойдаланилмасдан келинмоқда.** (слайд 18)

Тошкент вилоятида кар болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати 1 та бўлиб, ушбу таълим муассасаси 2016-2017 ўқув йилида биронта ҳам дарсликлар ва ўқув қўлланмалар олмаган. Интернат кутубхоначиси Мархабо Эшонқулова ҳамда шаҳар ХТМФМТТЭБ нинг дарсликлар бўйича мутахассиси Раъно Эргашевалар ўзларининг тушунтириш хатларида маълум қилишича 2015 йил 9 сентябрда интернат раҳбарининг имзоси билан 2016-2017 ўқув йили учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга шакллантирилган буюртма шаҳар ХТМФМТТЭБ га тақдим қилинган. Ушбу буюртма шаҳар ХТМФМТТЭБ да барча буюртмалар билан умумлаштирилиб, вилоят ХТБ га тақдим этилган. Лекин вилоят ХТБ да умумий буюртма шакллантириш жараёнида мутасадди ходимларнинг масъулиятсизлиги оқибатида мазкур интернатнинг буюртмаси умумий буюртмага киритилмай қолган. **Натижада Олмалиқ шаҳар 80-сонли кар болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати 2016-2017 ўқув йили учун чоп этилган жами 26 номдаги дарсликлар билан таъминланмаган.** (слайд 19)

Шунингдек, кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг 6-10 синф ўқувчилари умумтаълим дастури асосида давлат таълим стандартларини бажаришлари сабабли умумтаълим мактаблари дарсликларидан фойдаланишади. Шунга кўра, Олмалиқ шаҳар 80-сонли кар болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 6-10 синф ўқувчилари умумтаълим мактаблар дарсликлари билан таъминланишлари лозим эди. Лекин турли сабабларга кўра интернат ўқувчилари ҳар йили умумтаълим мактаблари учун янгидан чоп этиладиган дарсликлар ўрнига мактабларда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган, утилизацияга топширилиши лозим бўлган эски дарсликлар билан таъминланиб келмоқда. Интернат кутубхоначиси ўзининг тушунтириш хатида мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилган. Жумладан, интернат томонидан ҳар йили шаҳар ҳамда вилоят халқ таълими бошқарув органларига келгуси ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун чоп этиладиган дарсликлар учун

буюртма тақдим этилиб келинган. Лекин шаҳар ва вилоят мутасадди ходимларининг “Сизларнинг ўқувчиларингиз эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун чоп этиладиган махсус дарсликлар билан таъминланиши лозим. Шунинг учун бу китоблар сизларга берилмайди” деган ноўрин жавоблар билан буюртмаларни қабул қилишмаган. (Слайд 20)

Бундай ҳолат республикамизнинг бошқа кўплаб махсус мактабларида кузатилиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани 100-сонли мактаб-интернати таянч ҳаракати аъзоларида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳисобланади.

Ушбу мактаб-интернатда таълим олаётган ўқувчилар таянч ҳаракати аъзоларидаги нуқсонли ва мураккаб нуқсонли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги “Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 256-сонли қарори асосида уларнинг тиббий ҳулосасида икки ва ундан ортиқ нуқсонлар (яъни таянч ҳаракатидаги нуқсон ва ақли заифлик) қайд этилган. Шунга кўра, Халқ таълими вазирлигининг ҳар йили ишлаб чиқариладиган “Жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи асосида интеллекти сақланган таянч ҳаракати аъзоларидаги нуқсонли 1-9 синфлар учун умумтаълим дастури бўйича ҳамда мураккаб нуқсонли 1-9 синфлар учун ёрдамчи мактабларнинг дастури бўйича 1-4 синф дарсликларидан фойдаланилади. (слайд 21)

Шунга асосан, 2015-2016 ўқув йили учун ушбу таълим муассасаси томонидан таълим ўзбек тилидаги ёрдамчи мактабларнинг юқори синфлари учун дарсликларга буюртма берилмаган бўлсада, туман ХТМФМТТЭБнинг шаҳар ХТББга тўғридан-тўғри тақдим этган буюртмаси асосида мазкур мактаб-интернатига 2015 йилда “Ўқув таълим таъминот” ДУКнинг 2015 йил 20 сентябрдаги 2/891-сонли юк хати асосида 5-синфлар учун 25 донадан “Русский язык”, “Математика” дарсликлари, шунингдек, 6-синфлар учун 21 донадан 6 номдаги, 7-синфлар учун 28 донадан 3 номдаги, 8-синфлар учун 20 донадан 5 номдаги ҳамда 9-синфлар учун 17 донадан 3 номдаги жами 391 дона ёки 6 млн. 575 минг сўмлик дарсликлар мақсадсиз равишда мактабга берилган. (слайд 22)

Шунингдек, 1-синфлар учун ушбу синф дарсликларидан фойдаланадиган юқори синф ўқувчиларини ҳам ҳисобга олган ҳолда жами **30 тўплам** дарсликлар учун буюртма берилган бўлса, биронта ҳам **1-синф дарсликлари берилмаган**. Ёки **3-синфлар учун** буюртма асосида жами **30 тўплам** дарсликлар ўрнига **18 тўплам** дарсликлар берилган. Бунинг оқибатида қайсидир синфларнинг дарсликлари кутубхона захирасида фойдаланилмасдан мақсадсиз сақланаётган бўлса, қайсидир синфларга дарсликлар етишмаслигини кузатишимиз мумкин. (слайд 23)

Мазкур хатоликлар 2016-2017 ўқув йилида ҳам такрорланганлиги сабабли туман ХТМФМТТЭБнинг буюртмаси асосида мактаб-интернатига эҳтиёж мавжуд бўлган 33 тўплам 1-синф дарсликлари ўрнига 20 тўплам (60%), 2-синф дарсликлари 23 тўплам ўрнига 15 тўплам (65%), 3-синф дарсликлари 32 тўплам ўрнига 16 тўплам (50%) ҳамда 4-синф дарсликлари 36 тўплам ўрнига 10 тўплам (27,7%) берилган. Шу сабабли мазкур таълим муассасасининг мураккаб нуқсонли ўқувчилари жорий ўқув йилида 48% дарсликлар билан таъминланган холос. (слайд 24)

2017-2018 ўқув йилига мактаб-интернати учун дарсликларга шакллантирилган буюртма ўрганилди. Жумладан, таълим ўзбек тилидаги ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларига 2017-2018 ўқув йили учун жами 5 номда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп этилиши режалаштирилган. Лекин туман ХТМФМТТЭБ томонидан ушбу дарсликларнинг рўйхати таълим муассасасига тақдим этилмаганлиги сабабли муассаса томонидан кейинги ўқув йили учун чоп этилиладиган дарсликларга буюртма берилмаган. Аксинча, умумтаълим дарсликларидан фойдаланадиган синфлар учун дарслик буюртмаси икки баравар ортиқча берилган. Яъни умумтаълим дарсликлари учун буюртма шакллантириш жараёнида акли заиф болаларга ихтисослаштирилган синфларда таълим олаётган ўқувчилар сони умумтаълим дарсликларидан фойдаланадиган ўқувчилар сонига кўшиб буюртма берилган. Масалан, умумтаълим дарсликларидан фойдаланадиган 4-синфларда ўқувчилар сони 25 нафар бўлса, буюртма 40 тўплам дарсликларга берилган. Шунингдек, 6-синфлар учун 25 тўплам ўрнига 42 тўпламга, 7-синфлар учун 34 тўплам ўрнига 46 тўплам дарсликларга буюртма берилган. Бу эса юқорида қайд этилганидек 4-, 6-, 7-синфларда жами 48 тўплам дарсликлар мактаб кутубхонасида мақсадсиз фойдаланилмасдан сақланишига сабаб бўлади. (слайд 25)

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, буюртманинг нотўғри шакллантирилиши оқибатида бир неча миллион сўмлик бюджет маблағлари

хамда бир қанча машаққатлар эвазига чоп этилган дарсликлар айрим синфларда ўқувчилар сонига нисбатан ортиқча бўлганлиги сабабли кутубхона жамғармасида фойдаланилмасдан сақланаётган бўлса, бошқа синф ўқувчиларига дарсликлар етишмаслигига сабаб бўлмоқда.

Имконияти чекланган болалар таълим муассасалари ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида бугунги кунда таълим муассасаларидаги ўқувчилар сони йўналишлар кесимида таҳлил қилиниб, қайта тақсимот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ХТБнинг жорий йил 15 майдаги 02-01/6-1551-сонли хатига асосан Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-сонли кар болалар мактаб-интернатидаги ортиқча ҳисобланган 15 тўпلام 2-синф, 3 тўпلام 3-синф, 15 тўпلام 4-синф, 15 тўпلام 5-синф, жами 47 тўпلام дарсликлар Республика таълим марказининг жорий йил 26 майдаги 01/11-01/15-609-хати асосида Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 80-сонли кар болалар мактаб-интернатига ўрнатилган тартибда ўтказилди. (слайд 26)

Шунингдек, марказнинг кўрсатмаси асосида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан Самарқанд шаҳар 60-сонли имконияти чекланган болалар мактаб-интернатидаги захира дарсликлар ҳисобидан 19 тўпلام 5-синф, 24 тўпلام 6-синф, 13 тўпلام 7-синф, 23 тўпلام 8-синф ҳамда 17 тўпلام 9-синф жами 96 тўпلام дарсликлари Каттакўрғон шаҳар 5-сонли имконияти чекланган болалар мактаб-интернатига тегишли хужжатлар асосида қайта тақсимот қилинди. Бу каби қайта тақсимот ишлари Республикаимизнинг бошқа махсус мактаблари ўртасида ҳам амалга оширилмоқда. (слайд 27)

**2017-2018 ўқув йили** учун Республикада фаолият кўрсатаётган имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жами **41 номдаги 38 873 нусха** дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилиши режалаштирилган. Мазкур дарсликларнинг **5 номдаги 7 280 нусхаси таълим ўзбек тилидаги ёрдамчи мактабларга, 6 номдаги 1 659 нусхаси таълим рус тилидаги ёрдамчи мактабларга, 8 номдаги 4 162 нусхаси кар ва заиф эшитувчи болаларга ихтисослаштирилган мактабларга ҳамда **22 номдаги 25 772 нусхаси кўзи ожиз болалар мактаб ва мактаб-интернатларига** чоп этиладиган дарсликларни ташкил қилади. (слайд 28) Ушбу дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхати йўналишлар кесимида слайдда намоиш этилмоқда. (слайд 29-33)**

Минг афсуски айрим махсус таълим муассасалари шунингдек, худудий халқ таълими бошқарув органларининг мутасадди ходимлари ўз



вазифаларига совуққонлик билан ёндашаётганликлари сабабли кейинги ўқув йили учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига ҳам буюртмаларни шакллантириш жараёнида ўқувчилар сони таҳлил қилинмаган. Натижада юқорида қайд этилганидек, мазкур таълим муассасаларида айрим синфларга дарслик етишмаслиги ёки бошқа синф дарсликлари учун ортиқча буюртма берилиши оқибатида йиллар давомида дарсликларнинг фойдаланишдан сақланишини ёки дарсликларнинг етишмаслик ҳолатларини такрор кузатишимиз мумкин.

Бундай ҳолатларни Фарғона вилоятидаги ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларида, Навоий вилояти 25-сонли қар болалар мактаб-интернатида, Наманган вилояти 46-сонли қар болалар мактаб-интернати ҳамда 45-сонли кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларида кўришимиз мумкин. (слайд 34-37)

Фурсатдан фойдаланган ҳолда йиғилишда иштирок этаётган ҳудудий халқ таълими бошқарув органларининг дарсликлар бўйича мутасадди ходимларига кейинги ўқув йиллари учун имконияти чекланган балаларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга буюртма шакллантириш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратишларини сўрардим:

- Кейинги ўқув йили учун дарсликлар буюртмаси сентябрь ойида шакллантирилишини инобатга олиб, ҳар йили 5 сентябрь ҳолатига барча йўналишдаги махсус таълим муассасаларининг таълим тили ва синфлар кесимидаги ўқувчилар сонини аниқлаш;

- Аниқланган ўқувчилар сонини таҳлил қилган ҳолда тегишли синф дарсликлари учун буюртмани дарсликлардан фойдаланиш давридаги энг катта контингентдан келиб чиққан ҳолда шакллантириш лозим. Агар битта ҳудудда бир хил йўналишдаги махсус таълим муассасалари бир нечта бўлса, бундай ҳолда мазкур таълим муассасаларининг жами ўқувчилар сони таҳлил қилинади. (слайд 38-39)

- Имконияти чекланган болалар мактаб ва мактаб-интернатларининг айрим синфларида умумтаълим мактабларининг белгиланган дарсликларидан фойдаланишади. Шунга кўра, умумтаълим дарсликлари учун буюртмаларни шакллантириш жараёнида мазкур дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ҳам инобатга олиш лозим.

Эътиборларингиз учун раҳмат!